

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ  
ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ



ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ХОДИМЛАР  
УЧУН КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШГА ОИД

ЭСЛАТМА





«Афсуски, жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда.

Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз.

Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.

**Ш.М.Мирзиёев**



# 1.ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ



## Коррупция бу...

Коррупция (лотинча “*corrumpere*” “бузилиш, айниш, таназзул”) – ўз мансаб мавқеидан фойдаланиб манфаат кўришдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунининг 3-моддаси:

**Коррупция** — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим этишига айтилади.

### Коррупцияга оид тушунчалар:

**Коррупциявий жиноятлар** – бу мансабдор шахс ёки хизматчининг мансаб мавқеидан шахсий ёки бошқа шахсларнинг моддий ва номоддий наф кўриши учун ғаразли максадларда фойдаланишидан, шунингдек мансабдор шахсларни ушбу мақсадларда ўзига оғдиришдан иборат бўлган жиноятлардир.

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик** – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

**Манфаатлар тўқнашуви** – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

**Пора** - яъни мансабдор шахс ёки хизматчи томонидан ўз хизмат мавқеидан ёки ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берадиган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бериладиган **моддий қимматликлар ёхуд мулкий манфаатдорлик**.

**Пора олиш** – давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берадиган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкий манфаатдор бўлиши.

**Пора бериш** – давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш.


**Пора олиш-беришда воситачилик қилиш** – пора олиш- беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш.



## 2. ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЭНГ КЎП УЧРАЙДИГАН КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАР!

- **Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш** (ЖКнинг 167-моддаси, масалан, бюджет маблағларини ёки ходимларнинг иш ҳақларини ўзлаштириш);
- **Фирибгарлик** (ЖКнинг 168-моддаси, масалан ваколати бўлмаган шахслар томонидан ишга (ўқинга) киритиш ваъда қилиниб, эвазига пул талаб қилиниши);
- Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг **хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш** (ЖКнинг 192 10-моддаси, масалан, ОАВ журналистига ўзига нисбатан салбий хабар тарқатмаслиги учун пора бериш);
- **Хокимият ёки мансаб ваколатини сунистъемол қилиш** (ЖКнинг 205-моддаси, масалан, давлат органи мансабдор шахси ўз ваколатидан келиб чиқиб, қарор қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги оқибатида зарар етказиши);
- **Хокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш** (ЖКнинг 206-моддаси, масалан, ваколатида бўлмаган хатти-ҳаракатларни содир этиб, жиддий зарар етказиши);
- **Мансаб соҳтакорлиги** (ЖКнинг 209-моддаси, масалан, ойлик маош ведомостини соҳталаштириб бюджет маблағларини ўзлаштириш);
- **Пора олиш** (ЖКнинг 210-моддаси, ишга, ўқишга киритиш, оралиқ, якуний ва ДАК баҳо қўйиб беришва бошқа хизматлар учун пора олиш);
- **Пора бериш** (ЖКнинг 211-моддаси);
- **Пора олиш - беринsha воситачилик қилиш** (ЖКнинг 212-моддаси);
- Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг **хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш** (ЖКнинг 213-моддаси);
- Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши (ЖКнинг 214-моддаси).

## 3. КОРРУПЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ КИМЛАР?



Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг кенг тарқалган турларидан бири бу сўзсиз – **пораҳўрликдир**.

Пораҳўралик жиноятларида жиноят жараёни иштирокчилари сифатида, бир тарафдан – **пора оловчи**, иккинчи тарафдан эса – **пора берувчи** иштирок этади.

Айрим ҳолларда ушбу жиноий ҳаракатларда **пора олиш-беришда воситачилик қиласидиган шахс** иштирок этиши мумкинлиги назарда тутилади.

Мана шу уч турдаги шахслар коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг иштирокчилари бўлиши мумкин.

### **Пора оловчи ким?**

#### **Пора оловчи:**

**Мансабдор шахс** – доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс.

**Ҳокимият вакили** – давлатнинг бирон-бир ҳокимият органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

**Хизматчи** – давлат органида, тижорат, нотижорат ташкилотида меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқукий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс.

## **Пора берувчи ким?**

Мансабдор шахсга ўзи ёки бошқа бир шахсларниг манфаатларини күзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ўзи ёки воситачи орқали моддий қимматликлар берувчи ёки мулкий манфаатдор этувчи ҳар қандай жисмоний шахс – пора берувчидир.

**Жисмоний шахс** – бу 16 ёшга тўлган, ақли расо Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсdir.

**Воситачи** – пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият билан шуғулланган, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита берган шахс.

### **Пора предмети:**

**Пул;**

**Қимматбаҳо совғалар ва моддий нарсалар** (автомобил, қимматбаҳо соатлар, кўчмас мулк (дўкон, уйлар) кабилардир);

**Моддий қийматга эга бўлган хизматлар** (масалан, таъмирлаш, курилиш, кредитларни қоплаш, контракт тўловларини тўлаб бериш ва бошқалар).

### **ДИҚҚАТ!!! Қуйидаги коррупцион қилмишлар жиноят хисобланади:**

- профессор-ўқитувчилар боҳа қўйии учун талабалардан моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши;
- Талабалардан моддий қимматликлар олиши ёки улардан мулкий манфаатдор бўлиши мақсадида тамагирлик қилиши, шунингдек сунъий равишда таълим хизматларни тақчилигини юзага келтириши;
- Кераксиз ва ҳеч қандай заруриятсиз таълим хизматларни қабул қилдириши;
- Хужжатларга сохта ёзувлар киритиб, аслида кўрсатилмаган таълим хизматларни бажарилган деб кўрсатиш;
- профессор-ўқитувчиларни талабаларга мажбуран китоб сотиши;
- Университетнинг мол-мулкини талон-тарож қилиши;
- Фуқаролардан фирибгарлик йўли билан ўқишига киритиб қўйии мақсадида пул ва моддий қимматликлар олиши ёки ундириши.
- Маълум бўлган фактларни яшириши ёки хақиқатда бўлмаган фактларни тасдиқлаши (одатда машгулотларга қатнашмаган талабалар бўйича).

## **4. КОРРУПЦИЯ ШУНЧАЛИК ХАВФЛИМИ?**

Баъзилар коррупцияга одатий ҳолат сифатида қарайди, баъзилар фойдали деб ўйлади:

- Ахир нимаси ёмон? Ишим тез битди, вақтим ҳам тежалди.
- Ўғлимни ўқишига киргиздим, бекорчи бўлмайди энди.
- Ким зарап кўрди бундан?

Таълим соҳасидаги коррупция фуқароларда профессор-ўқитувчиларга бўлган ишончни йўқотади, чунки ҳар бир инсон тафаккурида ўқитувчига жамиятнинг эртанги кучи, эгаси бўлган ёш авлодни, ёшларни тўғри йўлга етаклайдиган юксак ва шарафли касб эгалари деган тасаввур мавжуд.

**Коррупция туфайли келажак ниҳолларини тарбиялайдиган юксак касбга инсонларда нафрат ҳиссини уйғотмайлик.**

## **5. КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ҚАНДАЙ ЖАЗО БЕЛГИЛАНГАН?**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун қуидаги жазо турларидан бири ёки бир нечтаси содир этилган қилмишнинг енгил ёки оғирлигига қараб тайинланиши мумкин:

- жарима;
- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- мажбурий жамоат ишлари;
- ахлоқ тузатиш ишлари;
- озодликни чеклаш;
- озодликдан маҳрум қилиш;
- ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш.

## **6. УНИВЕРСИТЕТ ТИЗИМИ ХОДИМИ УЧУН ЭСЛАТМА!**

### **Сизга пора таклиф қилишмоқда, нима қилишингиз керак?**

**Хурматли университет тизими ходимлари! Ўзингизнинг мартабангизни ва яхши номингизни фойда учун қурбон қилманг!**

**Эсингизда бўлсин, пораҳўрлик - бу қонун билан жазоланадиган жиноятдир!**

#### **Агар сизга пора таклиф қилинса-чи?**

Агар сизга пора таклиф қилинса, шу жумладан қатъий ва такорран, пора олишни рад этинг ва ҳолат тўғрисида университет раҳбариятига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан бирига хабар беринг (иложи борича кўпроқ маълумотларни эслаб қолинг – пора таклиф қилган шахснинг исми, пора бериш шартлари, миқдори ва бошқалар).

**Ҳар бир инсон мустақил қарор қабул қиласди!!!**

## **7. АГАР СИЗ КОРРУПЦИЯ ҲАҚИДА МУРОЖААТ ҚИЛМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ...**

Коррупция ҳолати юзасидан университет ректорига, университетнинг коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини бошқариш бўлимига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишни лозим деб топдиз, Сизнинг ҳаракатларингиз:

**1-ҚАДАМ:** университет ректорига, университетнинг коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини бошқариш бўлимига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ариза билан мурожаат қилиш керак.

Жиноят ҳақида хабар беришда қуйидагиларни кўрсатиб ўтишингиз лозим:

1) қачон, қаерда ва ким орқали мансабдор шахс пора сифатида пул талаб қилган;


2) мансабдор шахснинг пора талаб қилинганлик факти қайси ҳаракатларида ифода этилган;

3) пора сифатида нима, қачон ва қайси ишни ҳал қилганлик учун берилиши;

- 4) навбатдаги учрашув қачон қаерда ва нима мақсадда белгилан-ғанлиги;
- 5) пора қачон, қаерда берилиши.

**Ёзма шаклда мурожаат** қилганда, коррупция ҳолати бўйича ариза билан мурожаат қилган шахснинг Ф.И.Ш. ва манзили кўрсатилади ва имзо қўйилади.

**Оғзаки шаклда мурожаат** қилганда, коррупция ҳолати бўйича баённома тузилади, унга аризачи ва баённома тузувчи имзо қўяди. ҳужжатда аризачи ҳақида маълумот, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатиб ўтилади.



**2-ҚАДАМ:** Аризангиз ҳақиқатдан ҳам қабул қилинганлигига ишонч ҳосил қилинг.

Ариза қабул қилингандан сўнг аризачига мурожаат қабул қилинганлиги ҳақида ҳужжат берилади. Бу аризангиз нусхаси ҳам бўлиши мумкин. Ариза қабул қилинганлиги тўғрисидаги ҳажжатда куйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) аризани қабул қилган ходим ҳақида маълумот;
- 2) унинг имзоси;
- 3) аризанинг рўйхатдан ўтказилганлик рақами;
- 4) қабул қилиш санаси;
- 5) қабул қилган орган номи, манзили ва телефон рақами.

**3-ҚАДАМ:** Аризангиз кўриб чиқилишини назорат қилиш.

Сиз берган аризангизнинг натижаси ва кўрилган чоралар ҳақида маълумот олишга ҳақлисиз.

**4-ҚАДАМ:** Шикоят қилиш.

Агарда, коррупция ҳолати юзасидан берган аризангизни қабул қилинмаса, Сиз юқори турувчи органга шикоят билан мурожаат қилинингиз мумкин. Масалан, университетнинг коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини бошқариш бўлими коррупция ҳолати бўйича аризангизни қабул қilmади, университет ректорига ёки шаҳар, вилоят прокуратураси ва Бош прокуратурага мурожаат қилинингиз мумкин.

## **ДИҚҚАТ!!!**

- Ёлғон хабар берганлик учун Жиноят кодексининг 237-моддасида;
- Тұхмат қилғанлик учун Жиноят кодексининг 139- моддасида;
- Тұхмат қилғанлик учун Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодекснинг 40-моддасида жавобгарлик белгиланған ҳамда бу ҳаракатлар жавобгарликни келтириб чиқаради.

### **ДИҚҚАТ !!! Пора беришга ундаш сифатида талқин қилиниши мумкин бўлган иборалар:**

- “масалани ҳал қилиш қийин, лекин ҳал қилса бўлади”;
- “келишамиз”;
- “энди нима қиласмиз”;
- “раҳматни нонга суртиб бўлмайди”;
- “тўловини ўзимга беринг”;
- “кучлироқ аргументлар керак бўлади”.
- “муолажа тезроқ ҳал бўлиши учун “йўталишингиз” керак бўлади;
- “навбатингиз ҳали узоқ, лекин...”

### **ДИҚҚАТ!!! Қўйидаги мавзуларда сухбат олиб бориш пора беришга таклиф деб тушунилиши мукин:**

- Мансабдор шахс ёки хизматчининг ойлик маоши камлиги, айрим эҳтиёжларини қондириши учун пул маблағлари етмаётганлиги;
- Бирор-бир мол-мulkни сотиб олиш ёки маълум бир хизматдан фойдаланиш, бирор манзилга туристик саёҳатга бориш нияти борлиги;
- Мансабдор шахс ёки хизматчининг қариндошлари ишсиз юрганлиги, улар пулга муҳтоҗлиги;
- Фарзандларини таълим муасасасига жойлаштириш зарурати ва ҳоказо.

## **8. ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?**

Университет ректорига, университетнинг коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини бошқариш бўлимига ва яшаш жойингизга яқин жойлашган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг ҳудудий бўлинмаларига оғзаки, ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш мумкин:



## Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Почта хизмати орқали юбориш (Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19 уй);

Телефон рақам: (70) 717-27-72

Электрон манзил **veb-sayt:www. jtsu.uz; e-mail: info@jtsu.uz;**  
**e-xat:jtsu@exat.uz**

**ДИҚҚАТ!!!** “@rektorga\_takliflar\_bot” ва “REKTORGA\_SAVOLIM\_BOR” телеграмм тармоқлари орқали мурожаат қилишлари мумкин.



## Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Коррупцияга қарши курашиш “Комплаэнс-назорат” тизимини бошқариш бўлими

Почта хизмати орқали юбориш (Манзил: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19 уй);

Телефон рақам (91) 777-71-31, (55) 901-09-32

Электрон манзил **veb-sayt:www. jtsu.uz; e-mail: info@jtsu.uz;**  
**e-xat:jtsu@exat.uz**

**ДИҚҚАТ!!!** “@anti\_corruption\_jtsu\_bot” телеграмм тармоқлари орқали мурожаат қилишлари мумкин



## Коррупцияга қарши курашиш агентлиги

Почта хизмати орқали юбориш (Манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Ш.Руставили кўчаси, 8А);

Телефон рақам (71) 202-04-00 (ички рақам 505),

Электрон манзил: **www.anticorruption.uz,**

**el.pochta:info@anticorruption.uz, antikor@exat.uz.**

**ДИҚҚАТ!!!** “E-Anticor.uz” электрон платформаси орқали амалга оширилади.



## Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Туман, шаҳар, вилоят прокуратурасига ташриф буюриб;

1007 қисқа рақамли Ишонч телефонига қўнғироқ қилиш

(71) 232-10-07 ёки ижтиомий тармоқлар орқали **prokuratura.uz**

Почта хизмати орқали юбориш (Манзил: Тошкент ш., Я.Ғуломов  
кўчаси, 66-уй).



## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги

Почта хизмати орқали юбориш (Манзил: Тошкент ш., Ю.Ражабий  
кўчаси 1-уй индекс 100029);

Худудий бошқарма ва бўлимларига ташриф буюриб, шахсан  
такдим этиш;

Вазирликнинг 1102 қисқа рақамли Ишонч телефонига қўнғироқ  
қилиш;

Тўғридан-тўғри электрон шаклда мурожаат қолдириш.



## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Почта хизмати орқали юбориш (Манзил: Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси 5уй, индекс 100047);

Худудий бошқарма ва бўлимларига ташриф буюриб, шахсан тақдим этиш;

Вазирликнинг 1008 қисқа рақамли Ишонч телефонига қўнғироқ қилиш;

Тўғридан-тўғри электрон шаклда мурожаат қолдириш.



## Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти

Почта хизмати орқали юбориш (Манзил: Тошкент ш., Я.Ғуломов кўчаси, 39А-уй);

Ташриф буюриб, шахсан тақдим этиш;

71-233-1007 рақамли Ишонч телефонига қўнғироқ қилиш;

Тўғридан-тўғри электрон шаклда мурожаат қолдириш.

**ДИҚҚАТ!!! Ушбу ташкилотларга оғзаки, ёзма ёки  
электрон шаклда мурожаат қилиш мумкин.**

**“Мазкур эслатма билан түлиқ танишиб чиқдим,  
коррупцияга йүл қўймайман”.**

---

(лавозим)

---

(Ф.И.О.)

---

(имзо)

*Изоҳ: бўши қолдирилган жойга ушибу эслатма билан таништирилган университет  
ходимлари томонидан фамилия, инициаллар ва имзо қўйилган ҳолда  
тасдиқланади.*

